O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ТАКРОР ВА ТАКРОР ТАЪКИДЛАЙМАН — ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР. ҚОНУН ОЛДИДА ҲАММА ТЕНГ. БИЗ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИМИЗДАН БИРИ, ДЕБ БЕКОРГА БЕЛГИЛАГАН ЭМАСМИЗ.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 4 МАРТ, ШАНБА

№ 28 (25.578).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ПРЕЗИДЕНТ ЭЛЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 март куни Оқсарой қароргоҳида Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетцни қабул қилиб, унга «Дўстлик» орденини топширди.

Иоланда хоним Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ривожига ҳамда халқларимиз ва хукуматларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Президент Ислом Каримов Фармонига биноан мамлакатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланган эди. Орденни топширар экан, мамлакатимиз раҳбари элчининг интилувчанлиги ва давлатларимизни яқинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлашини айтди ва келгусидаги фаолиятида унга муваффақият тилади.

Шу куни Президент Ислом Каримов Украина, Покистон, Канада ва Мексиканинг мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган Фавқулодда ва Мухтор элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Украина элчиси Анатолий Касьяненко билан суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари уни ушбу шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, Ўзбекистон-Украина муносабатлари мамлакатларимиз мустақилликка эришган илк даврлардан ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳолда ривожланиб келаётганини таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги бундай муносабатлар келгусида янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Президентимиз Покистон элчиси Фазал Ғафурни элчи этиб тайинлангани билан табриклаб, икки мамлакат халқларининг тарихи ва маданияти бир-бирига яқинлигини қайд этди. Ўзаро алоқаларни ривожлантиришда бу яқинлик муҳим ўрин тутади. Ислом Каримов миссиясини бажаришда покистонлик дипломатга муваффақият тилади.

Канада элчиси Ирвин Родней билан мулоқот чоғида Президентимиз Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қизиқиши катта эканини таъкидлар экан, айни пайтда ўзаро алоқаларимиз истак ва имкониятларимиз даражасида эмаслигини қайд этди. У Канаданинг юксак ақлий, иқтисодий салоҳиятга эга давлат эканини айтиб, элчининг фаолияти икки мамлакат учун ҳам самарали бўлишига умид билдирди.

Мексика Қўшма Штатлари Ўзбекистондан анча узоқда жойлашган. Лекин Ўзбекистон ҳукумати ушбу мамлакатда кечаётган демократик жараёнлар, юксак суръатли иқтисодий ўсишни хайрихоҳлик билан кузатиб турибди. Мексика элчиси Энрике Буи Флорес билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистон аҳли бу мамлакатнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти билан яхши таниш эканлигини айтиб, келгусидаги фаолиятида дипломатга муваффақият тилади.

■ (ЎзА)

АМЕРИКАДА ГАСТРОЛЛАР

Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг Нью-Йорк ва Вашингтондаги гастрол концерти муваффақиятли ўтди. Биринчи концерт икки мингдан зиёд томошабинни сиғдира оладиган Нью-Йоркнинг энг нуфузли залларидан бири — «Ижро санъат маркази»да бўлди. Бу кечанинг муваффақияти олдиндан маълум эди, чунки Шарқ куйи ва қўшиқлари кўпчиликка уларнинг Ўзбекистонда яшаган даврларини ёдга солди, айниқса, концертга келганларнинг кўпчилиги ўзгача илиқлик билан Ўзбекистоннинг сахий, меҳнатсевар халқини эсладилар.

Анъанага кўра, Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси Вашингтон аҳолиси ва шаҳар меҳмонларини мунтазам таништириб бориш мақсадида, юртимизнинг санъати ва маданиятига оид кечалар ўтказиб туради. Бу сафар Насиба Абдуллаеванинг «Самарқанд тароналари» деб номланган концертини кўриш иштиёқида бўлганларнинг ҳаммасини ҳам элчихона залига сиғдиришнинг иложи бўлмади. Меҳмонлар орасида Оқ уйнинг маъмурияти ва АҚШ Конгрессининг вакиллари, Давлат департаменти ҳамда вазирликлар ва Ўзбекистоннинг кўпсонли дўстлари бор эди.

Ўзбек қўшиқчисининг Америка бўйлаб ўтказган қисқа муддатли гастрол концертлари океанортида ҳам Ўзбекистонга, айниқса, унинг серқирра санъатига нисбатан катта қизиқиш борлигини кўрсатди.

■ **Б. МАМАЖОНОВ,**
«Жаҳон»АА,
Нью-Йорк.

РЕЙТИНГИ ЮҚОРИ ШАҲАР

Ўтган йил якунлари бўйича пойтахт вилояти ҳудудларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини рейтинг баҳолаш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, — деб хабар беради **мухбиримиз Соҳибжон Салимов.** — Вилоятнинг 6 та шаҳридан бешта асосий кўрсаткичлар бўйича энг юқори рейтинг Янгийўл шаҳрига тўғри келди. Шаҳар рейтинги ўртача 4,8 баллга тенг бўлди. Саноат ишлаб чиқариш 4,8, инвестиция фаолияти бўйича 4,25, молиявий барқарорлик бўйича 3,8 баллга эга бўлди. Жумладан, шаҳарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи 105,4 фоизга, шартномалар бўйича маҳсулот сотиш 75,8 фоизни ташкил қилди.

МИКРОКРЕДИТГА ЭҲТИЁЖМАНДЛАР УЧУН

Тошкентда «Микромолиялаш дастурини қандай бошлаш ва режалаштириш зарур?» мавзусига бағишланган тренинг курси очилди. Мазкур тадбир Евроосиё, Сорос халқаро жамғармалари ва Республика бизнес-инкубатори кўмаги билан қароргоҳи Варшавада жойлашган Марказий, Шарқий Европа ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бўйича Микромолиялаш маркази томонидан ташкил этилди.

Ўттиз кишидан иборат бир қатор давлат идоралари, банк, тижорат ва тадбиркорлик бўлинмаларининг раҳбар ва мутахассислари ҳамда кичик ва хусусий корхоналар вакиллари олти кун давомида микрокредитлаш дастурининг асосий йўналишлари, якка ва гуруҳ ҳолда бўлиб кредит олиш усуллари, берилган қарзлардан олинадиган фойдани оширишга қаратилган кредит олиш ва бериш тартиблари билан танишадилар.

Ушбу жадаллаштирилган курс микрокредитлаш дастуридан фойдаланиш тажрибасига эга ёки бу борада иш бошлашни мўлжаллаётган ташкилот ва муассасалар учун махсус ишлаб чиқилган. Машғулотларни Микромолиялаш марказининг юқори малакали мутахассислари олиб боришади. Курс якунида тингловчиларга сертификат берилади.

Ўзбекистонда олиб борилган бундай курслар польшалик мутахассислар амалиётидаги дастлабки тадбир эмас. Микромолиялаш маркази Европа ва МДҲнинг турли давлатларида жойлашган қирқ бешта институтдан иборат тармоқни ташкил этиб, унинг бўлимлари манфаатдор ташкилотларга илғор хориж тажрибасини ўзлаштиришда ва кенг тадбиркорлар доирасининг кредит манбаларига бўлган эҳтиёжи муаммосини ҳал этишда ёрдам беради. Эгалланган билимлар пухта йўлга қўйилган ва самарали микрокредитлаш тизимини яратишда янги уфқларни очади.

■ **«Туркистон-пресс»**

«САХОВАТ»НИНГ САХОВАТИ

Эзгуликнинг чегараси, меҳр-мурувватнинг ўлчови йўқ, — дейди **мухбиримиз Юнус Узоқов** ўз хабарида. — Мушкул кунлардан ўтдик. Бугун миллий урф-одат ва қадриятларимиз дилимизга жо бўлмоқда. Меҳнати, тадбиркорлиги орқасидан давлат орттираётган ҳамюртларимиз савобли ишларга қўл урмоқдалар. Кимдир мактаб қурдираяпти, кимдир беморларга дори-дармон олиб бераяпти, кимдир етимларнинг бошини силаяпти.

«Камолот» жамғармасининг Қамаши туман бўлими қошида тузилган «Саховат» ҳаваскорлар гуруҳининг раҳбари Фазлиддин Ғуломов ҳам қалби эзгуликка тўла инсонлардан. У раҳбарлик қилаётган санъаткорлар дастаси боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларнинг тўйига бепул, беминнат хизмат кўрсатади. Ўтган йили унинг ўзи болаларга 5 минг сўмга дарслик китоблари сотиб олиб берди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 12 та спорт кийимлари совға қилди. Ҳа, саховатпеша инсонлар кўп.

ЙИЛ, ОЙ, КУН ❑ ЙИЛ, ОЙ, КУН ❑ ЙИЛ, ОЙ, КУН

ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

Хоразм вилояти бўйича **мухбиримиз Рўзимбой Ҳасаннинг** хабар беришича Қўшкўпир пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари деҳқонларимиз етиштирган пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни пешма-пеш хорижга жўнатишяпти. Бу ерда ҳар куни ўртача 30-40 тонна атрофида тола ишлаб чиқарилмоқда. Ҳиссадорлар шу пайтгача йигирма беш минг тоннадан зиёд пахтани қайта ишлаб, юқори сифатли тола олишга муваффақ бўлишди.

Қўшкўпирлик деҳқонлар меҳнати маҳсули қимматбаҳо тола бугунда дунёнинг ривожланган Япония, Щвейцария, Испания, Голландия каби давлатларидаги саноат корхоналарида миннатдорчилик билан қабул қилиняпти.

Зардўзлар — Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ МАДАД ҚЎЛИНИ ЧЎЗДИ

Маълумки, барча ерда бўлгани каби Бухорода ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида кўпгина ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар сони кўпайтирилиб, улардаги ўқув жараёни янада такомиллаштириляпти. Бухоролик маорифчиларга Осиё Тараққиёт банки вакиллари ҳамкор бўлишаётгани қувончлидир. Яқинда банк вакиллари Бухоро шаҳридаги 1-академик лицейда бўлишиб, таълим дастури билан танишдилар, муаллим ва ўқувчилар ила мулоқотда бўлдилар. Лицейнинг моддий-техника базасини бойитиш мақсадида Осиё Тараққиёт банки мадади билан билим даргоҳи беш йил давомида — босқичма-босқич бир миллион долларлик ҳар хил аудио-видео кассеталар, компьютерлар ва бошқа техника воситаларига эга бўлади.

Худди шундай имкониятдан Бухоро шаҳридаги 13, Вобкентдаги 5-коллежлар ҳам фойдалана оладилар. Осиё Тараққиёт банки ажратадиган кредитлар, албатта, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлашда муҳим мадад бўлиши табиийдир, — дея хабарини якунлайди **мухбиримиз Даврон БАҲРОНОВ.**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БИР ҚОТИЛЛИК ИЛДИЗИ»

Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси шуни маълум қиладики, 2000 йил 22 февраль куни «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Бир қотиллик илдизи ёки 11-синф ўқувчиси Азимжон Асқаровнинг қилмиши хусусида» номли мақолани вилоят Халқ таълими бошқармасининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилишида барча туман, шаҳар Халқ таълими бўлими мудирлари ҳамда Уйчи туман 13-мактаб раҳбарияти иштирокида муҳокама этилиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Уйчи тумани халқ таълими мудири А. Отабоевга ҳайфсан берилди ва 13-мактаб директори ҳамда маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарини ўз лавозимида қолиш-қолмаслигини кўриб чиқиш Уйчи туман Халқ таълими бўлими мудирига топширилди.

Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Д. ДАДАЖОНОВА.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар мактабига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356 хона, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.

Тел.: 136-55-05

«ШАРҚ» ЎСМИРЛАР КЛУБИ

Нукусда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармасининг бевосита ёрдамида «Шарқ» ёш ўсмирлар клуби очилди. Клубнинг асосий мақсади кам таъминланган оила ўсмирларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. 11-15 ёшли клуб аъзолари инглиз тили билан бир қаторда математика, компьютер, спорт, музика, ашула ва рақс ҳам ўрганади.

Клубнинг очилиш маросимида ЮНИСЕФ жамғармасининг Ўзбекистондаги ҳудудий директори М. Рудий Родригес қатнашди.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲОКИМ ҚОНУННИ ТАН ОЛАДИМИ?

Шеробод туманида ерлари тортиб олинган фермерларнинг даъво аризаларига кўра, вилоят хўжалик судида 25 февралда суд бўлиб ўтди. Суд қарорига биноан фермерларнинг ерлари уч кун ичида қайтариб берилиши керак эди. Фермерлар Улаш Туропов номли ширкатлар хўжалиги раиси Мамат Исмоиловга роппа-роса уч кун ўтгач учрашди.

— Менга келиб бекор қилибсизлар. Туман ҳокимини биласизлар-ку! Ахир, прокурор, судингни тан олмайман, дедилар-ку! Менинг қўлимдан ҳеч иш келмайди, — деди раис.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФАРАЗ

Америкалик профессор Жеймс Кэстингнинг фикрича, қуёш аста-секинлик билан ёруглашиб, тобора иссиқлашиб боради. Ва, сайёрамиздаги ўртача ҳарорат 60 даражага етгач, қуруқликда сув йўқола бошлайди.

Олимлар бу ҳақда аллақачонлар маълумотга эга бўлишган эрса-да, шундай мудҳиш воқеа 1,2 миллиард йилдан кейин юз бериши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Ўшанда ер қуп-қуруқ чўлга айланиб қолади. Эҳтимол ҳаёт тўхтар...

... Бу ҳодиса рўй бериши фараз эканлиги эса кўнглимизга таскин беради.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ УСЛУБ ХУСУСИЯТЛАРИ

Билгилки, одамзоднинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир.

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

Илмий услуб тилшуносликда кам ўрганилган. Илмий атамалар кўпроқ тадқиқ этилган. Ҳолбуки, илмий услуб — атамашуносликка қараганда кенг тушунча. Шунга қарамай, XX асрнинг 30-йилларигача илмий тилнинг тарихи, хусусиятлари филологларни деярли қизиқтирмаган. Илмий адабиётлар жаҳон фани хазинасини бойитаётган, мамлакатлар тараққиётига катта хизмат қилаётган бўлса-да, бу «илмийлик»нинг сир-асрорларини ўрганиш ҳамон қониқарли даражада эмас.

Илмий услуб (кўпинча «илмий тил» деб нотўғри ишлатилади) фаннинг ўзида содир бўлаётган янгиликлардан анча орқада қолди. Агар Овруподa мазкур услуб лотин тили (илмий адабиётлар асосан шу тилда битилар эди) билан кураш жараёнида шаклланган бўлса, Ўрта Осиёда IX асрлардаёқ илмий услубда кўп асарлар яратилган.

Илмий услуб масаласига тарихан эмас, типологик жиҳатдан қарайдиган бўлсак, уни мутахассислар илмий-техник, илмий-публицистик, илмий-оммабоп ва ҳоказоларга ажратишади.

Ўзбекистонда илмий услуб етарли даражада тадқиқ этилмаган бўлса-да, унинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. IX асрда Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний сингари етук алломалар математика, астрономия, география фанларида салмоқли тадқиқотлар яратган бўлсалар, X асрда Абу Наср Форобий файласуф, жамиятшунос, табиатшунос сифатида донг таратиб, «Арастуйи Соний», («Иккинчи Аристотель») деган фахрий номга сазовор бўлди. Унинг замондоши Абу Райҳон Беруний эса геодезия, минералогия, этнография, тарих фанлари ривожига катта ҳисса қўшди. «Шайх ул-раис» номини олган Абу Али ибн Сино таърифини келтирмасак ҳам, уни Шарқу Ғарб яхши билади. Демак, Ўрта Осиёда илм-фан, айниқса, илмий услуб Оврупога нисбатан анча илгари шаклланган. Ирландиялик олим М. Уотт «Исломнинг ўрта аср Овруписига таъсири» асарида бир буюк ҳақиқатни тан олади: «Овруполиклар мусулмон маданияти, айниқса, фалсафа ва тиббиёт соҳасида ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ. Кўпинча мусулмон маданиятининг ижобий таъсири ва йўналишини пасайтириш, ҳатто тамоман эсга олмасликка уринамиз. Бизнинг мусулмонлар билан яхши муносабатимиз уларнинг олдида қанчалик қарздор эканлигимизни тан олишга мажбур қилади. Буни яшириш ёки тан олмаслик сохта ғурурдан бошқа нарса эмас». (Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., «Ўзбекистон», 1997, 314-бет)

Бугунги ўзбек илмий услубини Ислом Каримов асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз асарлари билан Президентимиз янги, келажаги буюк Ўзбекистонни дунёга таништирмоқда. Юртбошимиз услубида, аввало, янгиланиш ва яратувчанлик устун. Иккинчидан, бу услуб илдизлари, эслаб ўтилганидек, ота-боболаримиз ўрта асрларда яратиб кетган анъаналарга бориб тақалади. Учинчидан, илмий услубнинг бош талаби — фикр аниқлиги бўлса, Ислом Каримов асарларида фикрнинг пухта пишиқлиги, ифода тиниқлиги кўзга ташланади.

Президент чет эл журналистлари билан учрашувларида, вилоят кенгаши сессияларида халқнинг «илмоқли» иборалари, мақол, матал, ҳикматли сўзларини жуда ўринли қўллайди. Масалан: **«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмайлик», «Қарс икки қўлдан чиқади», «Кўрққан олдин мушт кўтарар», «Мендан кеттунча — эгасига еттунча», «Аввал — таом, сўнгра — калом».**

Раҳбаримиз фаолиятида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлар катта ўрин эгаллайди. Ҳар бир учрашув ёхуд суҳбат замирида юртбошимизнинг ёрқин сиймоси, унинг мақсад ва интилишлари яққол намоён бўлади. Катта тажрибага эга бу давлат раҳбари «ҳар қандай мухолиф билан баҳслашмоққа тайёр»лигини билдиради. Унинг 1993 йил 26 майда «Труд» газетаси мухбири саволларига жавобларида шундай сатрлар бор: **«Баҳслашиш, ўз нуқтаи назаримни айтиш, яхши амалий баҳсларда ўзимнинг ҳақ эканлигимни исботлаб бериш мен учун ҳам қизиқарли... Очиғини айтсам, мен қаттиққўл одамман, аммо ишонарли ва далил-исботи билан эътироз билдиришса, бундай одамларни ҳурмат қиламан».**

Президент учрашувларда кутилмаган мулоҳазалар айтиб, парадоксал тасдиқлаш усулидан, суҳбат, баҳсу мунозараларда эса риторик сўроқлардан унумли фойдаланади. Бир фикрни сўроқ шаклида тасдиқлаш кўпинча интонацияни кучайтиришга хизмат қилади: **«Хўш, уларнинг дастури борми? Улар кўп миллатли Ўзбекистон халқини қайси йўлдан бошлаб бормоқчилар?»** (Ислом Каримов, Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996, 1 жилд, 151-бет); **«Бугун биз, Ўзбекистон аҳли, озодликка чиқиб, Ватанимизнинг буюк келажагини кўзлаб турган пайтимизда «сен — зоминликсан», «сен — форишликсан» ёки «сен — жиззахликсан» деб тоифакашлик, тарафкашлик қилиш гуноҳи азим эмасми?! Қачон биз халқ бўламиз, қачон тўдабозлик ва гуруҳбозлик касалидан халос бўламиз?!»** (ўша асар, 177-бет); **«Тожикистон «тажриба»сини бу ёққа олиб келиш шунчалар зарурми? Қон тўкиш, одамларни бир-бирига гижгижлаш, миллатни бўлиб ташлаш кимга наф келтиради? Қон тўкиш билан, одамларни нобуд қилиш йўли билан мақсадга эришиш қачондан бери демократия бўлиб қолди?»** (ўша асар, 34-бет) **«Ҳамма жойда — хўжалик, туман, вилоят, республика поғоналарида ўз масъулиятини сезмаган, тўртта одамнинг бошини қовуштиролмаган кимсаларга нима учун минбарни бериш керак? Умрида бирор амалий иш қилмаган одам бу ерга келиб ақл ўргатса, нега қулоқ солиш керак?»** (ўша асар, 35-бет).

Бу фикрларни бундан кучлироқ қилиб ифодалаш қийин.

Бошқача айтганда, Президент нутқи — диалог нутқ. Нотиқ, тингловчилар унинг сўзларини қандай қабул қилаётганини қалбан ҳис этиб туради. У аудитория ҳолатига қараб, айрим сўзларни секинроқ, баъзиларини тезроқ талаффуз этади, овозини кўтаради, пасайтиради.

Муҳими шуки, у халқнинг куч-қудратига ва яратувчилик салоҳиятига ишонади. Ҳамиша сиёсий воқеаларнинг марказида туриб кишиларнинг қарашлари, руҳиятидаги ўзгаришларни сергаклик билан илғайди. Шу хислат унинг асарларига кўчади — у муайян вазиятни тўғри баҳолайди, фактларни тўғри таҳлил этади. Баъзида қувонади, баъзан куюнади, гоҳо аямай танқид қилади.

Илмий услуб баёнида аниқлик бўлиши шарт. Аммо бу аниқлик монотонликка олиб келмаслиги керак. Айни талаб фақат илмий асарларгагина эмас, балки бадиий асарларга ҳам тааллуқли. Илмий услубнинг ўзига хослиги шундаки, тилнинг барча услубий бойлиги бош мақсадга — илмий баёнда аниқлик ва равшанликка бўйсуниши лозим. Илмий услубнинг вазифаси ва моҳияти ҳақида гапирганда икки мураккаб жиҳат назардан четда қолмаслиги зарур. Биринчиси — айтилганидек, бу соҳа жуда кам тадқиқ қилингани, иккинчиси — илмий услубнинг бир вақтлардагидек бадиий адабиёт ривожига таъсири. Масалан, Галилео Галилейнинг илмий услуби, яъни табиий фанларга оид китоблари итальян бадиий насри юксалишига хизмат қилган.

Ҳозирги кунда илмий услуб орқали фикрни баён қилишда уни ихтисослаштириш ва демократлаштириш йўли мавжуд. Биринчи йўл кўпчилик тушунмайдиган тор доирадагиларга мансуб бўлса, иккинчиси — аниқлик талабини бажариш ва содда тилда фикрни етказиш. Илмий услубнинг келажаги ана шу икки қарама-қарши тамойилнинг ўзаро уйғунлашувига боғлиқ.

Хуллас, ҳозирги замон илмий услуби аниқлик, соддалик ва равшанликка, кучли мантиқий ва ҳиссий таъсирга, пухта танланган атамаларнинг ўрнида қўлланиши ва тилдаги бошқа услублар билан алоқада бўлишга интилиши керак.

Раҳбар нотиқлик маҳоратининг калити — тил. Инсон ақлий фаолиятининг меваси нутқ орқали намоён бўлади. Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек:

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Сўз — қудратли куч. Унинг беқиёс имкониятлари нутқ жараёнида очила боради. Нутқсиз тилнинг имкониятлари ҳам кўринмай қолаверади. Сўз ва тушунча — бирбирига яқин ва ўзаро алоқадор категориялар. Кундалик турмушимизда, масалан, «ҳаво» ёки «об-ҳаво» сўзларини ишлатганда сўзловчи ҳавонинг на кимёвий таркиби, на унга таъсир қилувчи атмосфера шароитларига қизиқади. Бунинг унга кераги ҳам йўқ. Илмий услубда сўз ва атамалар баён этилганда у ҳақда тўлиқ тушунча ҳосил бўлади. Шу жиҳати билан илмий услуб оғзаки нутқ ва бадиий адабиётдан ажралиб туради, тушунчаларни аниқроқ ифодалаб беради. Атама иккиёқлама «ютади»: биринчидан, улар тил тизимида яхши жойлашади, иккинчидан тегишли соҳа тизими ҳақида теранроқ тушунча ҳосил қилади.

Айтайлик, «Президент Ислом Каримов асарларида «валюта», «лицензия», «сертификация», «люмпенлашув», «холдинг», «лизинг компаниялари», «аудиторлик хизматлари» каби иқтисодий атамаларга дуч келамиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бундай атамаларнинг ишлатилиши табиий ҳол. Аммо юртбошимиз улар ҳақида батафсилроқ тушунча беришга ҳаракат қилади: **«Яқин ўтмишдаги жамиятимизга хос энг машъум кўриниш люмпенлашув — мулкий қиёфани йўқотиш эди...»**

Баъзи бир атамалар эса жуда содда, ихчам тарзда тушунтирилади: **«Бюджет дегани бу — давлатнинг ҳамёни, чўнтаги»**. Юртбошимиз уч ҳокимиятдан бири бўлган қонун чиқарувчи органни — **«анжуман», «машварат», «парламент»** халқимизга озодлик нашидасини туҳфа этган мустақилликни эса кўпинча **«истиқлол»** тарзида қўллайди: **«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»** ёки **«Ислоҳотлар муваффақияти — истиқлол кафолати»**.

«Боқиманда», «охират», «шаккоклик», «сарҳисоб», «суғурта», «тасарруф», «тажовузкорона», «тақводор», «таҳдид», «ҳуррият», «эътиқод» каби ўнлаб сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилиши, синонимик қатордан гўзал бадиий ташбеҳлар яратиш Президент асарларини осон тушунишга ёрдам беради. **«Устувор»** (русча «приоритетный») сўзи, **«устувор йўналишлар», «устувор тамойиллар»** бирикмалари айнан Ислом Каримов асарлари орқали матбуотда тез оммалашди.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асарида **«экстремистик мухолифат», «жангари миллатчилик», «диний муросасизлик», «тоталитар қарамлик»** каби сўз бирикмалари қўлланиши муаллиф қўйган масаланинг туб моҳиятини очишга хизмат қилади. Китобхон муҳолифат ва миллатчиликнинг турли кўринишлари ҳақида батафсил маълумот олади. Бундан ташқари, қадриятларнинг миллий ва умуминсоний, диннинг маданий ва экстремистик жиҳатлари жонли мисоллар орқали далилланади.

Президент Ислом Каримов — ижодий изланувчан шахс. Унинг асарлари — тинимсиз ва узлуксиз ижодий жараён маҳсуллари. Шу ўринда бир воқеани эслашга тўғри келади. «Ўзбекистон» нашриётида «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби корректураси ўқиляпти. Унда **«Буюк давлатчилик шовинизми ва миллатчилик»** деган боб бор эди. Босишга рухсат этишдан олдин муаллифга яна ўқишга берилди. Муаллиф корректурада бояги бобдаги **«миллатчилик»** сўзи олдидан **«агрессив»** калимасини қўшибди. Тузатиш жуда ўринли эди. «Миллатчи» бўлиш, аслида, салбий ҳодиса эмас. Бундай одам миллатини жонидан ортиқ кўради, ардоқлайди, унга паст назар билан қараганга қарши туради. Агрессив — тажовузкор дегани. Бу ўринда тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи, тажовузкор, жангари миллатчилар ҳақида гап кетмоқда. Булар — хавфли кимсалар. Шу тариқа кўпгина саҳифаларда **«миллатчилик»** сўзи **«агрессив миллатчилик»** сўз бирикмаси билан тузатиб чиқилди.

Илмий услубнинг муҳим жиҳати шундаки, унда мавҳумлик, ноаниқлик бўлмаслиги керак. Президент Ислом Каримов нутқида аниқлик, топқирлик, мантиқийлик, сўз ва ибораларни ўз ўрнида қўллаш сингари илмий услубга хос кўп фазилатлар мавжуд. Уларда янги ғоялар, концепциялар, тамойиллар ўртага ташланади. **Юртбошимиз асарларини қузатиб, илмий-сиёсий услуб — билим, тафаккур услуби, деган хулосага келасиз.**

Хуллас, Президент Ислом Каримовнинг асарлари дунёга бўй кўрсатаётган мустақил Ўзбекистон тарихининг олтин саҳифаларига айланди. Халқчил, аниқ ва содда тилда баён этилган фикрлар янги давр одамлари учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Бу асарлар ўзбек илмий-сиёсий услубини тамоман янги поғонага олиб чиқди.

■ **Бахтиёр ОМОН,**
сиёсатшунослик магистри

«ТАФАККУР» журналидан олинди

МАШҚЛАР ЯКУНЛАНДИ

Араб денгизининг ғарбий қирғоқларида Ҳиндистон ва Франция ҳарбий денгиз кучларининг қўшма машқлари ниҳоясига етди. Икки кун давомида томонлар шартли душманнинг ҳаво ҳужумини қайтариш, шунингдек, тунда жанг қилишни машқ қилди. Ҳиндистоннинг ғарбий флоти вице-адмирали Мадҳевендра Сингҳнинг айтишича, икки мамлакат ҳарбий денгиз кучлари ҳамкорлигида бешинчи бор ўтказилган машқ муваффақиятли тугаган. Ушбу машғулотда французлар биринчи маротаба «Фош» авиабардори ва замонавий ракета ташувчи кемаларни жалб қилган.

МОЖАРО ҚУРБОНЛАРИ

Индонезиянинг Ачех вилоятидаги можаролар оқибатида фақат февраль ойининг ўзидагина 115 киши ҳалок бўлди. Мамлакат ҳукуқни муҳофаза қилиш ташкилотларидан бирининг маълумотларига кўра, уларнинг 103 нафари тинч аҳоли вакилидир. Шунингдек, вилоятдаги қуролли тўқнашувларда етти нафар полициячи ҳамда «Озод Ачех» айирмачилик ҳаракатининг беш жангариси ҳам ўлдирилган.



Ҳиндистон: тоғ қишлоғи.

АЭС ҚУРИШМОҚЧИ

Туркия ҳукумати мамлакатда илк атом электр станциясини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркия давлат вазири Мустафо Йилмазнинг айтишича, АЭСни мамлакатнинг Мерсин вилоятида қуриш режалаштириляпти. Ҳукуматнинг бу қарори маҳаллий экологлар ва жамоатчилик ташкилотларининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Уларнинг айтишича, зилзила юз бериш эҳтимоли анча катта бўлган ҳудудда АЭС қуриш мамлакат учун хавфлидир.

СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАШДИ

Ливан ҳукумати Японияда «Қизил армия» экстремистик гуруҳининг беш нафар фаолини Токио маъмурларига топширмаслигини маълум қилди. Хабарларга кўра, қалбаки ҳужжатлар ёрдамида чегарадан ўтишда айбланиб, Ливанда қамоқ жазосини ўтаётган ушбу шахслар Байрут маъмуриятидан сиёсий бошпана сўраган.

Япония ҳукумати «Қизил армия» фаолларини террорчиликда айбламоқда. Ушбу ташкилот аъзолари томонидан 1972 йилда Исроилнинг Бен-Гурион аэропортида амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракати оқибатида 24 киши ҳалок бўлган эди.

СУДАННИ ТАРК ЭТИШДИ

11 та халқаро хайрия ташкилотининг ходимлари исёнчилар билан келиша олмагани туфайли жанубий Суданни тарк этди. Мамлакатнинг бу ҳудудида фаолият кўрсатишдан воз кечганлар сафида «Чегара билмас шифокорлар», «Оксфам», «Уорлд вижн» каби таниқли инсонпарварлик тузилмалари бор. Жанубий Судандан ҳаммаси бўлиб 150 нафар ходим олиб чиқиб кетилди.

Ушбу ҳудудни назорат қилиб турган Судан халқ озодлик армияси раҳбариятининг хайрия ташкилотларидан бу ерда фаолият кўрсатиш учун тўлов тўлаш тўғрисида шартнома имзолашни талаб қилиши, уларнинг шундай йўл тутишига сабаб бўлди.

ТОМБОП АШЁ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли материалшунослик институти олимлари яратган янги илғор технология шифер маҳсулотлари сифатини янада яхшилашда алоҳида аҳамият касб этмоқда, — деб хабар беради **мухбиримиз Соҳибжон Салимов.** — Ҳозирда «Оҳангароншифер» корхонасида шиферларни тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, аҳолининг мазкур қурилишбоп материалларга бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида олимлар билан изланишлар олиб борилмоқда.

МУАЛЛИМА МИНБАРИ

ТАФАККУР ЁҒДУСИ САРИ...

Ёшларни тарбиялашда таълим-тарбияни шундай ташкил этиш керакки, бунда шахс ҳар томонлама камол топиши учун эркин фикрлашга ўргатиш лозим бўлсин. Ёш авлодни эркин фикрлашга ўргатиш жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи талаб этган даражада тарбиялаш вазифаси билан уйғунлашиб, педагоглар олдига ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўяди. Бу ишни амалга оширишда адабиёт фани муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун «Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да ижтимоий-сиёсий фанлар билан бир қаторда гуманитар фанларни ўқитиш, юксак ахлоқий фазилатларни, ўз мамлакати учун фахрланиш туйғуларини, меҳнатга ва мустақил ватанни ҳимоя қилишга, соғлом турмуш тарзининг афзалликларига эътиқод туйғусини шакллантиришга қаратилиши алоҳида қайд этилган. Бироқ мактаблардаги иш тажрибамиз, адабиёт дарсларимиз, кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бу фанни ўқитиш жараёнида бадиий адабиётнинг маърифий-тарбиявий ва бунёдкорлик вазифалари ўқувчиларни ҳур фикрлашга ўргатиш вазифасига тўла бўйсундирилгани йўқ. Адабиёт ўқитувчиларининг бу соҳадаги назарий ва методик тайёргарлик даражаси ҳамма жойда бирдек талаб даражасида эмас, албатта.

Инсон ҳеч қачон эътиқодсиз яшай олмайди. У нимагадир ишонади, интилади ва мақсадига эришишга ҳаракат қилади. Ёшларни зўрлаб бирон бир нарсага эътиқод қўйдириб бўлмайди. Ёшларга эркинлик бериш ва мустақил фикрлашга ўргатиш вақти келди. Ёш авлодни илм олиш, маданият ва маърифатли, яхши хулқ-атворга эга бўлишини шакллантириш ҳозирги кунда устозлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Адабиёт дарсликларида берилган мавзуларни ўтиш жараёнида ёшлар онгига саховат, ҳиммат, олижаноблик, вафодорлик, бағрикенглик, покизалик, мардлик ва ватанпарварлик туйғуларини сингдириб боришимиз шарт.

Эркин фикрлай олмаган ёшлар ҳақ-ҳуқуқ, маънавият деган тушунчани тушунмайдилар.

Буюк Ватандан буюк инсонлар етишиб чиқади.

Ёшларга ҳар томонлама йўл очилган ҳозирги даврда ўқувчилар қунт билан билим олишлари, имкониятдан тўғри фойдаланиб ўз устиларида тинмай ишлашлари лозим.

Ёшларга кўз-қулоқ бўлмасак, қилаётган ишларига бепарво бўлсак ёки кўриб туриб панжа орасидан қарасак, биз педагоглар, ота-оналар халқимиз тинчлигига, Она-Ватан тинчлиги-ю равнақига хиёнат қилаётган бўламиз.

Академик лицейлар, коллеж ва гимназиялар қурилишини шахсан юртбошимизнинг ўзи назорат остига олиб, катта маблағ ажратилди, ҳар бир ўқув масканига энг замонавий асбоб-ускуналар келтирилди.

Бундай жонкуярлик учун давлатимиз раҳбариятига минг бора ташаккур. Шундай экан, жон-дили билан билим олишга ҳаракат қилиш ва ўз халқининг муносиб фарзанди бўлиб етишиш фарзандларимизга энг олий мақсад бўлмоғи лозим.

■ **Муҳаббат ИСАЕВА,**
Педагогика фанлари номзоди

БАҲОР НАҚШИ СУМАЛАК

Сурхондарёга баҳор эрта келади. Демак, уйғониш, гўзаллик шабадалари ҳам даставвал шу воҳадан бошланади. Денов туманида сумалак тайёрлаш бошланиб кетди. Сумалак — мустақил ва ҳур диёримизда улуғ байрамга қизғин тайёргарлик кўрилаётган кунларга эш бўлгандек, назаримда. Қарияларнинг айтишларича, йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган дамларда сумалак дардга даво бўлар экан Шу боис бўлса керак, айни баҳорда дошқозонлар осилиб, тансиқ таом тайёрланади. Янги йил, янги кун олдидан онахонлар Яратгандан мамлакат тинчлиги, юрт ободлигини сўраб, қўлларини дуога очишди.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ

ШАХМАТ ДАРСЛИККА АЙЛАНМОҚДА

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг мантиқий тафаккурини ривожлантириш, уларнинг мустақил фикрлаш, мушоҳада юритиш, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш қобилиятини ўстириш, келажакда мустақил Ўзбекистон шарафини халқаро майдонда муносиб ҳимоя қиладиган иқтидорли спортчиларни тарбиялаб етиштириш, республика ҳукуматининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида белгилансин...

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг болалар боғчалари ва мактабларда шахмат таълимини жорий этиш тўғрисидаги буйруғи ана шундай бошланади. Ниҳоят, бу борада қутлуғ қадам ташланди.

Минг қатла шукрлар бўлсинким, юртимиз муборак истиқлол нурига бурканди, бирин-кетин эзгулик эшиклари очилиб халқимизнинг орзулари ушала бошлади. Мамлакатимизда таълимнинг миллий дастури қабул қилинганлиги ўз навбатида ёшларимиз мустақил фикрлаш доирасини тобора кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Тафаккур ҳам, мустақил фикрлаш ҳам мантиқий бўлган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришилади. Бу борада қадимий ақл-идрок ўйини шахмат — воситасидан фойдаланиш яхши самаралар берганлиги маълум.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлигида тузилган ўқув-машғулот дастурини тажриба-синовдан ўтказиш учун Қибрай туманидаги «Дўстлик» 8-болалар боғчаси ва шу тумандаги 25 ва 46-мактаблар дастлабки синов майдони этиб белгиланган эди.

Муайян, анчагина мураккаб тайёргарлик ишлари амалга оширилгач, яқинда янгиликнинг дебочаси — дастлабки дарс-машғулоти ўтказилди. Шахмат дарси учун ажратилган синф одатдагидан ўзгача жиҳозлар билан тўлдирилган. Парталарда шахмат доналари терилган. Доска ёнига каттагина магнитли намойиш тахтасидаги доналар ҳам ҳаракатга шай. Хонага 2 ва 3-синф ўқувчилари таклиф этилган. Вазирлик вакили Қибрайдаги 46-мактаб директорига махсус гувоҳномани тантанали суратда топширар экан, бу хайрли тадбирни амалга оширишда тажриба-синов майдони этиб тайинланганликлари билан қизғин табриклади. 25-мактаб ва 8-болалар боғчасида ҳам худди шундай тадбир ўтказилди.



Биринчи шахмат дарсини бошлаш шарафига муяссар бўлганим, кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зое кетмаганлигидан нишона эди бу. Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти халқ таълими бош бошқармаси, мазкур мактаблар директорлари ва боғча мудираси иштирокида ўтган тарихий биринчи дарсни бошлар эканман, тарих зарварақларидан намуналар келтириш, юртимиз ҳам қадимдаги шатранж ватанларидан бири эканлигини таъкидлаш, шахматнинг маданий-тарбиявий жиҳатлари, уни улуғ зотлар, таниқли алломалар ҳаёти ва ижодида тутган ўрнига кўпроқ тўхталдим. Дастлабки суҳбат болаларга маъқул тушгандай кўринди. Ҳа, улар бу ажиб шахмат оламига кириб борган сайин унинг меваларидан тўлароқ баҳраманд бўладилар. Пировард мақсад шуки, ёшлар мустақил ва мантиқий тафаккур сирларидан воқиф бўлиб, етти ўлчаб бир кесишнинг ҳам моҳирлари бўлиб етишсинлар.

Ўша куни дарсни шогирдларим — спорт усталигига номзодлар Акрам Тошхўжаев билан Муқаддам Шокирова давом эттиришди. Яқин келажакда эса Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган вилоятларда ҳам тажриба-синов майдонлари ташкил этилади. Бинобарин, Республика ўқув-методик маркази олдида қатор вазифалар турибди. Муҳими, бу хайрли тадбир соғлом авлодни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

■ **Мамажон МУҲИТДИНОВ,**
Республика шахмат федерацияси вице-президенти.

ДУШАНБА 6

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
8.40 Лирик тароналар.
9.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
9.30 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: "Мио болагинам, Мио". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.30 "Тиббиёт янгиликлари".
12.40 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
13.00 "Оталар чойхонаси". Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10 "Балли, раислар!" Телемусобақа.
14.55 "Халқнинг кўнгли".
15.15 "Қувноқ стартлар!" Телемусобақа.
16.00 "Кўк қуш". Бадиий фильм.
17.40 "Америка теледафтари".
18.10 "Болаларга бахшида умр".
18.30 "Тафсилот".
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Иқтисод ва биз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз".
21.30 "Сиз соғинган оҳанглар". Мусиқий дастур.
21.50 "Ёзувчи ва замон". Ў.Ҳошимов.
22.25 ЎзТВ экранида биринчи марта. "Шалаш оиласи". Телесериал премьераси. 7-серия (Миср Араб Республикаси)
23.15 "Маънавият" дастури.
23.45 "Ахборот".
00.15 "Қайнона". Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

Профилактика муносабати билан душанба, 6 март "Ёшлар" телеканали соат 17.55да бошланади.

17.55 "Кўрсатувлар дастури".
18.00 "Янги авлод": "Мусиқа олами", "Мультфомоша".
18.35 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Дунёга йўл".
19.50 "Соғлом авлод учун".
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.10 "Чархпалак" ("Ўзбектелефильм") 9-қисм.
21.00 "Бир пиёла чой устида".
21.20 "Мусиқий лаҳзалар".
21.25 "2000 йил — Соғлом авлод йили". "Қишлоқдаги тенгдошим".
21.50 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
00.10 Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
1.05 "Шарқ эстрадаси".
1.20 "Тонг юлдузи".

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.50 ТТВда сериал. "Қотиллик пайида". 1-серия.
19.35 "Табриклаймиз, қутлаймиз" (давоми)
21.10 Телегазета "Экспресс".
21.50 "Халқ саломатлиги йўлида".
22.10 "Эҳтиром ила".
22.50 ТТВда сериал. "Қора дур".
23.40 "Хайрли тун, шаҳрим!"

4v

РЖТ 7.30-9.30 15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари" (инглиз тилида)
16.45 Мультчархпалак.
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дил изҳори".
19.00 "Биз ва давр".
19.45 "Ермак". Телесериал. 4-серия.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.40 "Дил изҳори".
22.15 "ТВ-4"да Немис тўлқини.
22.30 "Вести".
23.00 "Спорт -клуб".
23.10 Кинематограф. "Фан-фан муҳаббат атри". Бадиий фильм.
00.30 "Ахборот".
00.55 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30 канал

Соат 15.00 га қадар профилактика.

15.05, 18.00, 20.00, 00.50 — "Телеҳамкор", "Метеоахбар".
15.30 "Эсдалик учун дастхат".
16.00 "Карапуз-ТВ".
16.25 "Фақат хотин-қизлар учун". Тележурнал.
16.50 "Бахт". Телесериал (Бразилия).
17.45 "Интизор". Мусиқий дастур.
15.25 "Узурпатор аёл". Телесериал (Мексика).
19.10 "Ошиқона". Мусиқий дастур.
19.30 "Дўндиқча". Телесериал.
20.25 "Клип-совға".
21.30 "30-канал"да кинооқшом. "Фарго". Детектив (АҚШ).
24.00 Бедорлик. "Ўта қотиллик". Детектив сериал (АҚШ).

СЕШАНБА 7

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Ҳазрати аёл". Ҳужжатли фильм.
8.55 "Ёр ва диёр тароналари". Мусиқий дастур.
9.20 "Ўзбек спортининг нуфузи".
9.35 Болалар учун. "Қўғирчоқлар жонланганда".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: "Учувчининг парвози". Бадиий фильм.
11.30 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
12.05 "Аруз гулшани"
12.15 "Оламни асранг!"
12.30 "Барҳаёт сиймолар". Мусиқий дастур.
13.10 "Шалаш оиласи". Телесериал. 7-серия.
14.10 "Маънавият" дастури.
14.40 "Ўзлигинг намоён қил!" Экранда — Сирдарё вилояти.
15.15 "Ҳуқуқий жамият сари".
15.40 "Изтопар". Бадиий фильм.
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
